

ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

Валиев Сайдулла Салиевич

*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ихтисослаштирилган ўқув маркази катта ўқитувчиси*

Аннотация: *Мазкур мақолада оммавий тартибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги жиноий қонун нормалари муҳокама қилинади. Бу жиноятнинг қонуний, доктринавий таърифлари таҳлил қилинади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244-моддасида назарда тутилган “оммавий тартибсизликлар” таркиби белгиларини тушунишнинг муаммоли масалалари кўрсатиб берилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидан оммавий тартибсизликлар тушунчаси таърифини такомиллаштириш бўйича таклифлар асосланган.*

Калит сўзлар: *жамоат хавфсизлиги, оммавий тартибсизликлар, қирғин, ўт кўйиш, шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, жиноят қонунининг мазмуни, жиноят қонунчилигини такомиллаштириш.*

ПОНЯТИЕ МАССОВЫХ БЕСПОРЯДКОВ И МЕРЫ ИХ ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ

Валиев Сайдулла Салиевич

*Старший преподаватель Специализированного учебного центра
Национальной гвардии Республики Узбекистан*

Аннотация: *В данной статье рассматриваются нормы уголовного закона об ответственности за массовые беспорядки. Анализируются правовые и доктринальные определения этого преступления. Показаны проблемные вопросы понимания признаков «массовых беспорядков», предусмотренных статьей 244 Уголовного кодекса Республики Узбекистан. Уголовный кодекс Республики Узбекистан основан на предложениях по совершенствованию определения общественных беспорядков.*

Ключевые слова: *общественная безопасность, общественные беспорядки, массовые убийства, поджоги, насилие над личностью, содержание уголовного законодательства, совершенствование уголовного законодательства.*

THE CONCEPT OF MASS DISORDERS AND MEASURES TO PREVENT THEM

Valiev Saydulla Salievich

*Senior lecturer of the Specialized training center
of the National Guard of the Republic of Uzbekistan*

Annotation: *This article examines the provisions of the criminal law on liability for mass riots. The legal and doctrinal definitions of this crime are analyzed. The problematic issues of understanding the signs of “mass riots” provided for in Article 244 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan are shown. The Criminal Code of the Republic of Uzbekistan is based on proposals to improve the definition of public disorder.*

Key words: *public safety, public unrest, massacres, arson, violence against individuals, content of criminal legislation, improvement of criminal legislation.*

Оммавий тартибсизликлар турли назарий омилларга асосланиб, мустақил назарий тушунишни талаб қилади. Амалиёт шуни кўрсатадики, бундай ҳаракатларга мақбул қаршилик кўрсатишнинг таркибий қисмларидан бири, унинг содир этилганлиги учун жавобгарликни назарда тутувчи, самарали ишлайдиган жиноят ва ҳуқуқий нормаларнинг мавжудлиги ҳисобланади [1].

Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигида оммавий тартибсизликлар тушунчаси аниқ ёритилмаган ва мазкур жиноятни талқин қилиш учун ҳеч қандай мезонлар келтириб ўтилмаган. Ушбу норманинг диспозициясини ўрганиш оммавий тартибсизликлар тушунчасининг ҳуқуқий таърифи йўқлигини, мазкур моддада фақат жиноятнинг объектив томонини ташкил этувчи хатти -ҳаракатларни (зўравонлик, ўт қўйиш ва ҳ.к.) батафсил келтирилади. Илмий нуқтаи назардан, жамоат тартиби тушунчасига қўйидагича тавсиф берилган: “жамиятдаги муносабатларни, хавфсизлик ва фуқаролар тинчлигини таъминловчи, ўзгалар мулкани сақлаш, мулкчилик шаклидан қатъий назар жамоат ва давлат ташкилотлари, корхона, ташкилот, муассасаларни бир меъёردа ишлашини таъминлашга қаратилган ахлоқ ва ҳуқуқ нормаларига асосланган тартибни тушуниш лозим [2]. Жамоат тартиби, оммавий тартибсизликлар тушунчасини тўлиқ ёритиш тегишли жиноятларни тўғри квалификация қилиш учун катта аҳамиятга эга.

Жамоавий зўравонлик тарихий ривожланиш жараёнида уч шаклда таснифланади: ибтидоий (қабилавий адоват) – бу кичик бир ижтимоий гуруҳнинг бошқасига тажовузи ҳисобланади. Реактив жамоавий зўравонлик (озик-овқат маҳсулотларининг адолатсиз тақсимланиши натижасида юзага келган тартибсизликлар, юқори нархлардан норозилик; солиқ йиғувчиларга қарши қўзғолонлар, автомобиллар ёки бошқа жиҳозларни йўқ қилиш қабила мисол бўла олади) ҳокимият тепасида бўлганларга, ижтимоий тузумга қарши норозилик намоишлари. Ниҳоят, замонавий жамоавий зўравонлик тартибсизликлар иштирокчиларининг ўртача сонининг сезиларли ўсиши ва

биргаликдаги ҳаракат мақсадларининг аниқлиги билан тавсифланади. Замонавий тартибсизликларни тахминан тўрт гуруҳга бўлиш мумкин: қуролли (улар оқилона режалаштириш, аниқ мақсадни белгилаш, ижтимоий ва тизимлилик билан ажралиб туради) [3]; экспрессив бузилишлар (кескин ифодали, ҳис-туйғулар ва фикрларни ифодалашга бўйсунувчи); асоссиз [4] (ижтимоий ва таркибий сабаблари йўқ); ўтиш давридаги тартибсизликларга бўлинади.

Баъзи муаллифлар оммавий тартибсизликларни ҳокимиятга бўйсунмасликка қаратилган ҳаракатлар, жумладан фаол ва тажовузкор зўравонлик ҳаракатлари деб таъриф берадилар [5], оломон жамоат жойларида белгиланган тартибни бузиш билан ифодаланган фаол ҳаракатлар [6], оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда ўзини тутиш қоидаларини бузиш билан ифодаланадиган ҳаракатлар [7]. Умуман олганда, кўп сонли одамларнинг тартибсиз, тарқоқ, бошқа шахсларга нисбатан зўравонлик, қирғин, ўт қўйиш ҳаракатлари [8]; фуқароларга, ташкилотларга, ҳукумат амалдорларига қилинган хужумлар, қирғин, ўт қўйишлар оммавий тартибсизликлар натижаларини ифодалайди [9]. Деярли барча муаллифлар, бу ёки бошқа тарзда фақат оломоннинг оммавий зўравонлик, қирғин, ўт қўйиш, мулкни йўқ қилиш ва бошқа турдаги тажовузкор ҳаракатлари натижасида оммавий тартибсизликларни квалификация қилиш мумкин деган фикрларни илгари сурадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Республика судлари томонидан оммавий тартибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида”ги Қарорида ҳам оммавий тартибсизлик қирғинлар қилиш, вайронагарчиликлар, ўт қўйишлар ва бошқа шу каби ҳаракатларни содир этиш билан боғлиқ ҳаракат орқали изоҳланади. Хусусан, оммавий тартибсизликларнинг фақат ташкилотчилари ва иштирокчилари агарда улар бевосита қирғинлар қилишда, вайронагарчиликлар, ўт қўйишлар ва бошқа шу каби ҳаракатларни содир этган бўлсалар ёки ҳокимият вакилларига қуролли қаршилик кўрсатган бўлсалар Жиноят кодексининг 244-моддаси билан жиноий жавобгар бўладилар, агар бир гуруҳ шахсларнинг ҳаракатлари жамоат тартибини бузса, лекин қирғинлар қилиш, вайронагарчиликлар, ўт қўйишлар ва бошқа шу каби ҳаракатлар билан биргаликда содир этилмаган бўлса, бундай ҳаракатлар оммавий тартибсизликлар деб ҳисобланиши мумкин эмас, тегишли ҳолатлар мавжуд бўлса, ЖКнинг 277-моддаси билан жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади [10].

Таъкидлаш жоизки, оммавий тартибсизликлар оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда содир бўлиши ҳам қилмишни квалификация қилишда аҳамиятлидир. Жумладан, юқорида таъкидланган Олий суд Пленуми қарорига мувофиқ “бирор бир жиноий ҳаракатни содир этмаган, аммо оммавий

тартибсизлик жараёнида оломон орасида бўлган шахслар жиноий жавобгарликка тортилмайдилар, балки йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоийшлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузганлиги учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 201-моддаси билан жавобгарликка тортилиши мумкин” деб келтирилган. Мазкур қоида мазмунидан келиб чиқадики, оммавий тартибсизликлар оммавий тадбирлар, намоийшлар пайтида ҳам, бошқа ҳодисалар пайтида ҳам содир бўлиши мумкин. Намоийш тинч йиғилиш бўлиб, унда демократик ҳуқуқий давлат фуқаролари намоийш ўтказиш бўйича конституциявий ҳуқуққа эга ва улар жамоатчиликка қарши норозилик билдиришлари мумкин. Оммавий тартибсизликлар биринчи навбатда қуйидагилар билан ажралиб туради: одамлар йиғилишининг ноқонунийлиги, уларнинг сони уч кишидан ошиб кетиши, ролларни тақсимлаш билан олдиндан тайёрланган ҳаракатларни ўтказиш, зўравонлик [11]. Қоидага кўра, оломон полиция ходимларига тош отади, дўкон ойналарини синдиради, дўконларни талон-тарож қилади, машиналарни ағдаради ва ўт қўяди, турли тўсиқлар ўрнатади. Оммавий тартибсизликка бу каби тавсиф жамият томонидан берилган. Оммавий тартибсизликлар иштирокчилари томонидан қўлланиладиган зўравонлик қуйидаги хусусиятларга эга: тананинг ҳаддан ташқари фаоллиги билан боғлиқлик; зўравонлик ёки қасддан моддий зарар етказилган шахсга руҳий, жисмоний ва ижтимоий зарар етказиш. Тўғри, зўравонлик фақат исёнчиларнинг мақсади эмас [12]. Шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш дейилганда, жабрланувчининг баданига шикаст етказиш ва шу каби унинг эркинлигини чекловчи ва қонуний ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳар қандай бошқа хатти-ҳаракатлар тушунилмоғи керак [13]. Бунинг ноқонуний ёки қонуний равишда қўлланилганлиги қонун билан аниқланади. Оммавий тартибсизликларнинг жиноят таркиби жуда мураккаб объектив томонга эга. Тадқиқот натижаларига кўра, кўриб чиқиладиган жиноятни содир этиш вақтида оммавий тартибсизликлар субъектларининг жамиятга қарши фаоллик йўналиши натижаси бўлган 20 дан ортиқ турдаги жиноятлар содир этилиши мумкинлиги аниқланди [14].

Шу боис Ўзбекистон жиноят қонунчилигида оммавий тартибсизликлар тушунчасининг мазмуни аниқ келтирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди, чунки мазкур жиноят ўзининг таркиби билан бир қатор жиноят турларига ўхшаш ҳамда айни вақтда, ўзига хос хусусиятга эгадир. Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244-моддаси билан квалификация қилиш учун қуйидаги шартлар талаб қилинади:

оммавий тадбирнинг мавжудлиги (йиғилиш, юриш, намоийш, бу ҳодисаларни бирлаштирувчи ҳаракат);

бундай тадбирда иштирок этиш; иштирокчилар томонидан уни ўтказиш қоидаларини бузиш;

қирғин, ўт қўйиш ва ЖКда кўрсатилган бошқа ҳаракатлар.

Аммо оммавий тартибсизликларнинг объектив томонини шундай талқин қилишдан хулоса чиқариш керакки, оммавий тадбир билан боғлиқ бўлмаган гуруҳий содир этилган жиноятлар, қирғин, ўт қўйиш каби оломоннинг ғазаби мазкур жиноят таркибини ташкил этмайди. Шу билан бирга, тартибсизликлар иштирокчилари, қурбонлар ва ҳокимият вакилларининг хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Оммавий тартибсизликни олдини олиш учун бир қанча чоралар кўриш масаласи адабиётларда кенг муҳокама қилинади. Биринчидан, бу жамоатчилик фикрини шакллантириш, зўравонликка қарши ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш. Шу билан бирга, “зўравонлик” тушунчаси фақат жисмоний зўрлик билан чекланмаслиги керак. Болаларни зўравонликсиз жазоламасдан тарбиялаш, оиладаги ва мактабдаги низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш тажрибаси келажакда жинойий зўравонликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Шахсга нисбатан баданга шикаст етказиш билан боғлиқ жазоларнинг тақиқланиши ҳам бу борада муҳим тарбиявий восита бўлиши мумкин [15]. Мазкур жиноятни олдини олиш ва назорат қилиш функцияси жинойий адлия тизимига ва айниқса полицияга юклатилган. Намойишлар пайтида тартибсизликлар тез-тез рўй берар экан, асосий масала зўравонликсиз маданиятни тарғиб қилишдир [16]. Сиёсатчи ва журналистлар (блоггерлар) узоқ вақтдан бери давом этаётган низоларни ўзаро келишув асосида ҳал қилиш учун фуқаролар билан уларнинг эҳтиёжлари ва хавотирлари тўғрисида маданиятли мулоқотга тайёр бўлишлари керак. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини кенгайтириш, уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш зарур. Фуқароларнинг мунозара ва қарорлар қабул қилишда иштирокини кучайтириш лозим. Тадбиркорлар, сиёсатчилар, олимлар, маданият арбоблари, таниқли спортчилар - умуман олганда, таниқли одамлар ўзларини хулқлари билан намуна бўлишлари керак. Шу била биргаликда мазкур жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари, жиноятнинг таркиби, уни олдини олиш масалалари илмий жиҳатдан кенг тадқиқ этилиши лозим.

Мазкур жиноятни таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: биринчидан, оммавий тартибсизликлар оммавий тадбирлар вақтида қирғин қилиш, вайронагарчиликлар, ўт қўйишлар ва бошқа шу каби ҳаракатларни содир этиш ёки ҳокимият вакилларига қуролли қаршилик кўрсатиш билан боғлиқ жиноят бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244-моддаси билан квалификация қилиш учун қуйидаги шартлар талаб қилинади: оммавий тадбирнинг мавжудлиги (йиғилиш, юриш, намойиш, бу ҳодисаларни бирлаштирувчи ҳаракат); бундай тадбирда иштирок этиш; иштирокчилар томонидан уни ўтказиш қоидаларини бузиш; қирғин, ўт қўйиш ва ЖКда кўрсатилган бошқа ҳаракатлар; иккинчидан, Ўзбекистон жиноят қонунчилигида оммавий тартибсизликлар тушунчасининг мазмуни аниқ келтирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди; учинчидан, оммавий тартибсизлар

жиноятини олдини олиш чоралари сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин: энг аввало фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини кенгайтириш, зўравонликни тарғиб қилувчи жазо чораларидан воз кечиш, мазкур турдаги жиноятларни келиб чиқишига сабаб бўлувчи асосий омиллар, жиноятнинг таркиби, уни олдини олиш масалалари илмий жиҳатдан кенг тадқиқ этиш.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Я.И.Иваненко Некоторые аспекты объективной стороны массовых беспорядков (Ст. 212 УК РФ). Belgrad state university. [Электронный ресурс]. - Режим доступа: <https://core.ac.uk/download/pdf/333602986.pdf>
2. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексига шарҳ (қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр 2016 йил 1 ноябрғача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) махсус қисм. – Т.: “Адолат” 2016. Б.830.
3. Newman G. Understanding Violence. New York-Hagerstown-Philadelphia-San Fran zisko-London, 1979. 8 Marx G. T. Issueless Riots. Collective Violence. Chikago-New York, 1972. 9 Lebon G. Psychologie der Massen. Stuttgart, 1982.
4. Marx G. T. Issueless Riots. Collective Violence. Chikago-New York, 1972. 9 Lebon G. Psychologie der Massen. Stuttgart, 1982.
5. Коняхин В.А. и Прохорова М.Л. (эдс) (2015) Российское уголовное право. Особенная часть [Руссиан Сриминал Лав. Спесиал Парт]. Москва: Контракт.
6. Коробеев А.И. (эд.) (2008) Полный курс уголовного права: в 5 т. [Complete Course of Criminal Law: in 5 vols]. Том 4. Санкт Петербург: Юрид. Пресс-центр.
7. Вдовиченко К.Г. (2015) Уголовно-правовое противодействие преступлениям в сфере организации и проведения публичных массовых мероприятий [Criminal-legal counteraction to crimes in the sphere of organization and holding of public mass events]. Автореферат канд. права. Дисс. Краснодар
8. Чучаев А.И., Грачева Ю.В. и Задоян А.А. (2010) Преступления против общественной безопасности [Crimes Against Public Safety]. Москва: Проспект.
9. Радченко В.И. (эд.) (2009) Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации [Commentary on the Criminal Code of the Russian Federation]. Москва: Проспект.
10. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг Республика судлари томонидан оммавий тартибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисидаги Қарори. [Электронный ресурс]. - Режим доступа: <https://www.lex.uz/docs/1442601>.
11. Binder D. Riots. Legal Aspects. Encyclopedia of Crime and Justice. Band 4. New York-London, 1983.

12. Шнайдер Г. И. Массовые беспорядки глазами криминолога. [Электронный ресурс]. - Режим доступа: https://ecsocman.hse.ru/data/530/585/1216/4-Gans_ShNAJDER.pdf.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг Республика судлари томонидан оммавий тартибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисидаги Қарори. [Электронный ресурс]. - Режим доступа: <https://www.lex.uz/docs/1442601>

14. Абдульманов А. Ответственность за массовые беспорядки // Российская юстиция. 1996. № 1. С. 43.

15. National Advisory Committee on Criminal Justice Standards and Cols: Disorders and Terrorism. Report of the Task Force on Disorders and Terrorism. Washington D. C, 1976.

16. Schneider H. J. Kriminologie. Berlin-New York, 1987.